

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

XALQ DEPUTATLARI  
UCHTERPATUMAN  
KENGASHINING

QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ

УЧТЕПИНСКОГО РАЙОНОГО  
КЕНГАША НАРОДНЫХ  
ДЕПУТАТОВ

№ с7/01-11

2020 yil «15» январь

Тошкент шаҳар ҳокими томонидан Учтепа тумани ҳокими лавозимига тақдим этилган номзодини тасдиқлаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Тошкент шаҳар ҳокими томонидан Учтепа тумани ҳокими лавозимига тақдим этилган 13-Оқмасжид сайлов округидан сайланган депутат номзоди Абдуллаев Фарход Равшанович тасдиқлансин.

Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши сессияси раиси



С.Имамов



№ 08/01-II

2020 yil «15» январь

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИ  
ДЕПУТАТЛАРИ ҚЎШМА МАЖЛИСИ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ  
АЪЗОЛИГИГА НОМЗОДНИ ТАВСИЯ ЭТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 24-моддаси ва Сайлов Кодексининг 79-моддасига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Учтепа туман кенгаши депутатлари қўшма мажлиси Маслаҳат кенгаши аъзолигига туман Кенгашидан 11-Кўкча Оқтепа сайлов округидан туман Кенгаши депутати Имамов Сабитжон Худойназаровичнинг номзоди тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари қўшма мажлиси Ҳайъатига тақдим этилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши сессияси раиси



С.Имамов



№ 09/02 - II

2020 йил « 29 » сентябрь

**Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши  
раисини сайлаш тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига ҳамда халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши Регламентининг 16, 33 ва 34-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши раиси этиб туман ҳокими Абдуллаев Фарход Равшанович сайлансин.

Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгаши  
сессияси раиси



С.Имамов



№ 10/02 - II

2020 yil «29» январь

**Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши раиси ўринбосарини  
сайлаш тўғрисида**

Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг бир қатор депутатлари таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

Имамов Сабитжон Худайназарович - 11-Кўкча-Октепа округи депутати ва Темиров Нарзулло Муйдинович - 17 Ўрикзор округи депутати Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши раиси ўринбосарлари этиб тайинлансин.

Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгаши  
сессияси раиси



С. Имамов

№ 11/02 - II2020 yil « 29 » iyul**Халк депутатлари Учтепа тумани Кенгаши котибияти  
мудирини сайлаш тўғрисида**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Халк депутатлари Учтепа тумани Кенгаши

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Халк депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг 6-Ибрат сайлов округидан сайланган депутат Ишанходжаев Борихон Боситхонович халк депутатлари Учтепа тумани Кенгаши котибияти мудирини лавозимига сайлансин.

2. Халк депутатлари Учтепа тумани Кенгаши котибиятининг бланкалари тайёрланиши таъминлансин.

3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш Халк депутатлари Кенгаши раиси Ф. Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

Халк депутатлари  
Учтепа тумани Кенгаши  
сессияси раиси

**С. Имамов**



№ 12/02 - II2020 yil « 29 » Февраль

**Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши котибияти  
бош ва етакчи мутахассисларини тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги “Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги ПФ-5515-сонли Фармони ва “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятларини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, депутатлик корпуси иш фаолиятини янада жадаллаштириш мақсадида Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги ПФ-5515-сонли Фармонининг 8-банди ижросини таъминлаш мақсадида.

Тўйчиева Гулжамол Жўраевна – Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши котибияти бош мутахассиси лавозимига тайинлансин.

Худойбердиев Иномжон Улугбек ўгли Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши котибияти етакчи мутахассиси лавозимининг ярим (0.5) ставкага тайинлансин.

Худойберганов Тохиржон Илёс ўгли Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши котибияти етакчи мутахассиси лавозимининг ярим (0.5) ставкага тайинлансин.

2. Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши котибияти (Б.Ишанходжаев), Учтепа тумани молия бўлими (А.Рустамов), Учтепа тумани бош ҳисобчиси (У.Муминов):

Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши котибиятининг штатлар жадвали ишлаб чиқилсин ва белгиланган тартибда ойлик маошлари штатлар жадвалига асосан тўланишини таъминласин;

Кенгаш котибиятининг штампи ва бланкаларини тайёрланиши таъминлансин.

3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгаши  
сессияси раиси



С.Имамов

№ 13/02-ij2020 yil « 29 » 9» vary

**Учтепа тумани маҳаллий бюджетининг  
2019 йил якуни ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бюджет кодекси 27-моддаси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Учтепа тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тошкент шаҳар Учтепа туман маҳаллий бюджетининг 2019 йил якуний ижроси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги СҚ-348-Ш-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли қарори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги “Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатлари хажмлари тўғрисида”ги 402/46-5-сонли, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги “Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида”ги 1865-сонли ва халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг 2018 йил 29 декабрдаги “Учтепа туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатлари хажмлари тўғрисида”ги 77/12-1-сонли ва Учтепа туман ҳокимининг 2019 йил 4 январдаги “Учтепа туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида”ги 1-сонли қарорлари доирасида ижро этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туман ҳокими қарор ва фармойишлари ҳамда Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси билан келишилган тақдимномаларга асосан 2019 йил давомида туман маҳаллий бюджетига киритилган ўзгартиришлар инobatга олинсин.



3. Учтепа тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йил ижроси бўйича жумладан, даромадларнинг ижроси бўйича ҳисоботи 1-иловага, харажатларнинг ижроси бўйича ҳисобот 2-иловага, Учтепа тумани бўйича маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш тўғрисидаги ҳисобот 3-иловага, Учтепа туман ҳокимининг тегишли маҳаллий бюджетининг қўшимча шаклланган маблағларини йўналтириш бўйича қабул қилинган қарор ва фармойишларининг рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокими ўринбосарлари, туман Халқ таълими бўлими (Ў.Курбанов), туман Мактабгача таълим бўлими (Ш.Бузиева), туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси (П.Эргешова), туман Ободонлаштириш бошқармаси (Б.Мустапаев), туман Маданият ишлари бўлими (Х.Сафаров) ва бошқа бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар раҳбарлари:

2019 йил якуни бўйича ҳисоботларни белгиланган муддатларда тақдим этилишини таъминлаш;

бюджет маблағларини мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назоратни кучайтириш ва бу борада маъсул ходимларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий чора-тадбирлар кўрилсин.

5. Туман ҳокими ўринбосарлари, Иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бўлими (Х.Шукуруллаев), туман Давлат солиқ инспекцияси (Р.Аширматов), туман Молия бўлими (А.Рустамов) тегишли корхона ва ташкилотлари билан биргаликда:

Маҳаллий бюджет ҳамда иқтисодий ва молиявий статистика маълумотларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш;

Учтепа туман маҳаллий бюджетнинг 2020 йил учун даромад прогноз кўрсаткичини сўзсиз ва барча манбалари бўйича сифатли ижросини таъминлаш;

қўшимча солиқ базаларини аниқлаш, бюджетга боқиманда қарздорликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўрсин.

6. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохатларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш” масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Хужанов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгаши  
сессияси раиси



С.Имамов

№ 14/02-ў2020 уйи « 29 » январь

**Учтепа тумани маҳаллий бюджетининг 2020 йил бошига  
шаклланган қўшимча манбаа маблағини харажатларга  
йўналтириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 126-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасига ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши

**Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И :**

1. Учтепа туман ҳокимлигининг Учтепа тумани маҳаллий бюджетининг 2020 йил бошига шаклланган эркин колдик маблағи ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарор ва фармойишлари, сайёр йиғилиш баёнлари билан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида туман маҳаллалардаги ички йўллар ва бошқа объектларни таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ харажатларга маблағ йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Туман ҳокимлигининг таклифига асосан белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2020 йил 13 январдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2020 йил бошига шаклланган қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш тўғрисида”ги 10/1-6-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадидаги харажатлар Учтепа туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил 1 январь ҳолатига шаклланган эркин колдик маблағлари ҳисобидан 1-иловага мувофиқ маблағ ажратилсин.

3. Учтепа тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Хужанов), Молия бўлими мудир (А.Рустамов);

Учтепа тумани маҳаллий бюджетининг 2020 йил 1 январ ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблагларининг 10 % миқдорини [www.openbudget.uz](http://www.openbudget.uz) ахборот порталига жойлаштирган ҳолда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш чоралари кўрилсин.

4. Учтепа туман ҳокими мазкур қарорнинг 1-илоvasида кўрсатиб ўтилган харажатлар ҳамда ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирлар учун туман маҳаллий бюджетнинг йил бошига шаклланган қўшимча манбаалари ҳисобидан маблаглар тақсимлаш юзасидан тегишли қарор ва фармойишлар қабул қилсин.

5. Мазкур қарор ижросиназорати Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Учтепа тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Хужанов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгаши  
сессияси раиси



С.Имамов



XALQ DEPUTATLARI  
UCHTEPA TUMAN  
KENGASHINING

РЕШЕНИЕ

УЧТЕПИНСКОГО РАЙОННОГО  
КЕНГАША НАРОДНЫХ  
ДЕПУТАТОВ

QARORI

№ 15/02-17

2020 yil « 29 » *dekabr*

**Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди  
томонидан 2019 йил 12 ойи давомида одил судловни амалга ошириш  
борасидаги ишлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида 2016 йил 21 октябрда “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 21 февралда “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармонлари қабул қилиниб, мазкур фармонлар ижроси ҳозирда босқичма-босқич таъминланиб келинмоқда.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва судьяларнинг дахлсизлиги тўғрисидаги Конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш мамлакатимиз тараққиётини бешта устувор йўналишларининг асоси ва энг муҳими ҳисобланади. Зеро, суд – жамият ҳаётида қонун устуворлиги, адолат барқарорлигини таъминлайдиган мустақил ҳокимият тармоғидир.

Мамлакатимиз тарихида илк бор янги амалиёт сифатида 2017 йилнинг 22 декабрда Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатнома шаклидаги дастурий маъруза қилган эдилар.



Мазкур Мурожаатномада илгари сурилган барча фикрлар, гоялар, ташаббуслар, ягона эзгу мақсад – фуқароларимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш, юртимизни ҳар томонлама тараккий эттиришга йўналтирилгани билан аҳамиятлилиги ҳаётимиз ва фаолиятимизда муҳим ўрин эгаллади десак муболага бўлмайди.

Ана шу аввалги тарихий амалиётнинг узвий давоми сифатида **2020 йил январь ойининг 24 кун**и ҳам Президентимиз Парламентга Мурожаатнома тақдим этиб, дастурий маъруза қилдилар.

Мурожаатномада Президент шарқ донишмандларининг “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта кашшоқлик – бу билимсизликдир!” деган иборасини мисол сифатида келтириб, ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, туман Халқ депутатлари кенгаши йиғилиши кун тартибига, туманда фаолият юритаётган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича, шунингдек, маъмурий ва иқтисодий судлар раисларининг ахборотларини тинглаш устувор вазифа сифатида киритилган бўлиб, бундай тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судида штат бирлигига кўра 1 нафар суд раиси ва 3 нафар судьялик лавозими кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда 1 нафар суд раиси ва 3 нафар судья фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шулардан илк бор судьялик лавозимига тайинланган 3 нафари 30 ёшдан 40 ёшгача, 1 нафари 40 ёшдан 50 ёшгача 10 йиллик судьялик иш стажига эгадир.

Бугун Сизларнинг эътиборингизга 2019 йил давомида жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди томонидан одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти юзасидан ахборот бериб ўтмоқчиман.

Хусусан, туман суди томонидан шу давр мобайнида **551** (ўтган йилнинг шу даврида 708) нафар шахсга нисбатан **404** (ўтган йилнинг шу даври учун 543) та жиноят ишлари кўриб тамомланган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тамомланган ишлар сони 139 тага, жавобгарликка тортилган шахслар сони эса 157 нафарга камайганлигини кўрсатади.

Кўриб тамомланган ишлардан **295** (ўтган йилнинг шу даврида 399) та иш бўйича **403** (ўтган йилнинг шу даври учун 542) нафар шахсга нисбатан



айблов ҳукми чиқарилган, **76** (ўтган йилнинг шу даври учун 80) нафар шахсга нисбатан **139** (ўтган йилнинг шу даври учун 161) та иш тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 65-моддасига асосан **2** нафар шахсга нисбатан жиноят иши тугатилган, Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 83-моддаси 1-қисми 2-банди билан **1** нафар шахсга нисбатан жиноят иши жиноят тартиби йўқлиги сабабли жиноят иши тугатилган. **9** нафар шахсга нисбатан жиноят иши бўйича оқлов ҳукми чиқарилган.

Жами судланган **403** нафар шахснинг **74** (18,4 %) нафарига жарима, **3** (0,7%) нафарига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, **6** (1,5%) нафарига мажбурий жамоат ишлари, **100** (24,8%) нафарига ахлоқ тузатиш ишлари, **97** (24,1%) нафарига озодликни чеклаш, **123** (30,5%) нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, шуларнинг **46** (11,4%) нафари шартли ҳукм қилинган.

Шу ўринда, жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаган ҳамда жабрланувчиларнинг даъволари бўлмаганлиги, моддаларни квалификация қилинганлиги ва қонун ўзгаришлари натижасида **68** нафар шахс суд залидан қамқондан озод этилганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бунда маҳалла томонидан берилган қафиллик хатлари асосида **6** та ва ёшлар иттифоқи томонидан берилган қафиллик хатлари асосида **71** та жиноят ишлари юзасидан жазолар енгиллаштирилган.

Таҳлиллар, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан судланганлик ҳолати жиноятлар турига кўра, вояга етмаганларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жинояти **8** тага, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш ҳафсизлиги қоидаларини бузиш жинояти **44** тага, фоҳишахона сақлаш **19** тага, фирибгарлик жиноятлари **27** тага, наркотик воситаларининг муомаласи билан боғлиқ жиноятлар **3** тага, қасддан одам ўлдириш умуман содир қилинмаган, қасддан баданга оғир шикаст етказиш **16** тага, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш **11** тага қамайганлигини кўришимиз мумкин.

Умумий судланганларнинг **57** нафари ёки (10,3 %) фойзини аёллар, **8** нафари ёки (1,4%) фойзини вояга етмаганлар ташкил этган бўлиб, судланган вояга етмаганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1** нафарга қамайган бўлса, аёлларнинг сони эса **5** тага қамайган.

2019 йилнинг ўтган давр мобайнида вояга етмаганлар томонидан жами **9** шахс томонидан жиноят содир қилинган бўлиб, Жиноят Кодексининг 169-моддаси ўғирлик жинояти билан

4 маротаба, Жиноят Кодексининг 168-моддаси фирибгарлик жинояти билан 2 маротаба, Жиноят Кодексининг 250<sup>1</sup>-моддаси пиротехника буюмларини қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятлар 1 маротаба, Жиноят Кодексининг 276-моддаси гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жинояти билан 1 маротаба, Жиноят кодексининг 277-моддаси жамоат тартибига қарши жинояти билан 1 маротабадан содир этилганлиги кўринмоқда.

Президентимиз томонидан жиноят содир этган шахсни жазолаш эмас, балки жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг шарт-шароит ва омилиларни ўрганиш, ҳар бир жиноят тафсилотларини профилактика инспекторлари, маҳалла ва жамоатчилик иштирокида чуқур таҳлил қилиш лозимлиги таъкидланиб, бундан кейин ишларнинг муаян қисмини сайёр суд мажлисларида кўриш, аҳоли билан очиқ мулоқотлар ташкил этиш, ишлар бўйича ёки оклов ёки айблов ҳукмлари чиқариш орқали фуқароларнинг сарсон-саргардон бўлишига чек қўйиш талаб қилинди.

Шу асосда биз фаолиятимизни танқидий кўриб чиқиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, судлар фаолиятини бутунлай янги асосда, самарали ташкил этиш лозимлигига эътиборимизни қаратдик.

Хусусан, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди, барча судьяларнинг аҳоли билан жойларда очиқ мулоқотлар ташкил этиши, “Халқ қабулхоналари”да сайёр қабуллар ўтказиши амалиёти йўлга қўйилди.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши қурашиш, фуқароларнинг ҳуқуқий масалалар юзасидан муаммоларини тизимли ҳал этиш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини доимий ошириб бориш мақсадида “Менинг маҳаллам-менинг судьям” ғояси асосида Тошкент шаҳар жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлари судьялари ва туман судьялари томонидан ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида режа асосида сайёр учрашувлар ўтказилмоқда.

Судьялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси билан ҳамкорлик ўрнатилиши натижасида туман ҳудудларида фуқароларнинг мурожаатлари бўйича олиб борилган ишларда иштирақ этиб, жами 56 та мурожаат кўриб чиқилди.

Президентимизнинг судьялар билан учрашувида билдирган ҳақли эътирозларидан тегишли хулоса чиқарилиши натижасида, 2019 йилнинг ҳозирги даврида **190** та ёки (47,3%) фоиз жиноят ишлари **сайёр суд мажлислари**да кўриб чиқилди, жиноятчиликни олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида жами **133** та очик мулоқотлар ўтказилди, **104** маротаба оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилинди. Жумладан, телевидение орқали **82** маротаба, радио орқали **6** маротаба чиқишлар, газеталарда **2** та, Веб сайт ва бошқа ахборот воситалари орқали **14** та мақолалар эълон қилиниб, жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида 341 та ёки (84,4%) фоиз ишлар бўйича хусусий ажримлар чиқарилиб, жойларга муҳокама қилиш учун юборилган.

Туман суди томонидан аҳолини жамиятдаги ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликни олдини олиш мақсадида тумандаги маҳаллалар ва таълим муассасаларида сайёр суд мажлислари ва очик мулоқотлар ўтказилди.

Бундан ташқари туман суди томонидан кўриб чиқилган ҳар бир жиноят иши бўйича ҳукм нусхалари ва хусусий ажримлар муҳокама қилиш ва тарбиявий ишлар олиб бориш учун судланувчиларнинг яшаш манзилига юбориш амалиёти йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан берилган кўрсатмаларга риоя қилган ҳолда, профилактика ишларини бунданда жадаллаштириш, халқ ва ёшлар билан кўпроқ очик мулоқотлар ўтказиш, халқнинг ичига кириб, уларнинг дарду-ташвишларини эшитиш судьялар фаолиятининг асосини ташкил этиши лозим.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумлар имзоланган.

Унга асосан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти, билимлари ва масъулиятини ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида кенг жамоатчилик иштирокини янада фаоллаштириш Маҳалла, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар кўмитаси вакилларининг судда иштирок этишлари назарда тутилган. Шунга кўра, юқорида қайд этилган Меморандумларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширилишида фаолликни янада кучайтириш лозим



Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2019 йилда амалга оширган ишлари юзасидан Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа тумани Судининг 2019 йил 12 ойи давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туман ҳокимининг ўринбосарлари (А.Хужанов, Ш.Шаакрамов, Л.Алманов, Б.Мирзаев, М.Арипова), Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди раиси (Д.Камилов), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (Ғ.Шамсиев), Халқ таълими бўлими (У.Қурбонов), туман Маънавият ва маърифат маркази (М.Касимов), тумандаги таълуқли бўлим ва бошқармалар, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (О.Ташанов) билан биргаликда:

Ёшлар томонидан жиноятлар содир этилиши ҳолатлари, уларнинг тарбияси учун бевосита масъул бўлган ҳокимлик, ички ишлар органлари, ўқув муассасалари, маҳалла, ёшлар иттифоқи вакиллари, қолаверса ота-оналар томонидан ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар етарли олиб борилмаётганилиги масаласи танқидий кўриб чиқилсин ва амалга ҳуқуқбузарлик ҳолатини олдини олиш бўйича зарур ишлар амалга оширилсин;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқий масалалар юзасидан муаммоларини тизимли ҳал этиш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини доимий ошириб бориш мақсадида “Менинг маҳаллам-менинг судьям” гояси асосида Тошкент шаҳар жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлари судьялари ва туман судьялари томонидан ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида режа асосида сайёр учрашувлар ўтказилиши сифатли амалга оширилиши кучайтирилсин;

Судьялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси, шунингдек халқ депутатлари туман Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзолари билан ҳамкорлик ўрнатилиши кучайтирилсин;

Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси О.Ташанов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгаши  
сессияси раиси



С.Имамов